X-XIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ

ХАНАФИТСКИЙ МАЗХАБ И МАТУРИДИТСКОЕ УЧЕНИЕ В МАВЕРАННАХРЕ В X–XIII ВЕКАХ

THE HANAFI MADHHAB AND MATURIDI THEOLOGY IN TRANSOXIANA DURING THE 10TH–13TH CENTURIES

KAMILOV Muzaffar Murodovich
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Rector, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
m.kamilov@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2026/3/1

Аннотация. *Мазкур мақолада X–XIII асрларда Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби ва мотуридий таълимотининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ҳамда минтақадаги диний-илмий муҳитга кўрсатган таъсири тарихий манбалар ва замонавий тадқиқотлар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотда VIII аср охири – IX аср бошларида ислом динининг кенг тарқалиши, жизя масаласи билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муржиийлик ҳаракатининг вужудга келиши ва унинг кейинги диний қарашлар шаклланишига таъсири ёритилади. Шунингдек, Абу Ҳанифанинг ақидавий ва фиқҳий қарашлари Мовароуннаҳр олимлари фаолияти орқали минтақада мустаҳкам ўрин эгаллагани ҳамда Имом Абу Мансур Мотуридий томонидан ушбу қарашлар илмий жиҳатдан тизимлаштирилиб, мустақил калом мактаби даражасига олиб чиқилгани кўрсатилган.*

Мақолада Мотуридийнинг бевосита шогирдлари Абу Аҳмад ал-Иёдий, Абу ал-Ҳасан ар-Рустуфағний, Абдулкарим ал-Паздавий, шунингдек, кейинги давр мотуридий олимлари Абу-л-Муъин ан-Насафий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Алоуддин ас-Самарқандий ва бошқа мутафаккирларнинг илмий мероси таҳлил қилинган. Улар томонидан яратилган калом, фиқҳ, тафсир ва ақидага оид асарларнинг мазмуни, ҳанафийлик ва мотуридийлик анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришдаги аҳамияти баҳоланади. Шу билан бирга, Мовароуннаҳрда шаклланган мотуридийлик мактабининг кейинчалик Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва бошқа ҳудудлардаги аҳли сунна ислом тафаккурига кўрсатган таъсири очиб берилган. Тадқиқот натижалари ҳанафийлик ва мотуридийликнинг ўзаро узвий боғлиқ эканини, уларнинг Марказий Осиёдаги ислом цивилизацияси ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этгани ёритилган.

Калит сўзлар: *Мовароуннаҳр, ҳанафий мазҳаби, мотуридийлик, Имом Мотуридий, Абу Ҳанифа, калом илми, ақида, Абу-л-Муъин ан-Насафий, Абу Ҳафс ан-Насафий, ислом илмлари.*

Аннотация. *В статье рассматриваются процессы становления и развития ханафитского мазхаба и матуридитского учения в Мавераннахре в X-XIII веках на основе исторических источников и современных научных исследований. Особое внимание уделяется распространению ислама в регионе в конце VIII – начале IX века, общественно-политическим процессам, связанным с вопросом джизьи, а также роли мурджиитского движения в формировании ранней богословской мысли. Показано, что идеи Имама Абу Ханифы получили широкое распространение в научной среде Мавераннахра, а Имам Абу Мансур ал-Матуриди придал им системный характер, сформировав самостоятельную школу калама. Анализируются деятельность и научное наследие непосредственных учеников ал-Матуриди – Абу Ахмада ал-Ийади, Абу ал-Хасана ар-Рустуфагани и Абдулкарима ал-Паздави, а также вклад последующих представителей школы, включая Абу-ль-Муина ан-Насафи, Абу Хафса ан-Насафи, Алауддина ас-Самарканди и других богословов. Исследуются их труды по каламу, фикху и тафсиру, их значение для сохранения и развития ханафитско-матуридитской традиции и укрепления суннитского вероучения. Кроме того, раскрывается влияние матуридитской школы на развитие исламской мысли в Хорасане, Центральной Азии и других регионах мусульманского мира. Сделан вывод, что сочетание ханафитской правовой школы и матуридитской теологии стало одним из важнейших факторов формирования интеллектуального наследия исламской цивилизации, а изучение этого наследия сохраняет высокую научную актуальность.*

Ключевые слова: *Мавераннахр, ханафитский мазхаб, матуридизм, Имам ал-Матуриди, Абу Ханифа, калам, исламское богословие, Абу-ль-Муин ан-Насафи, Абу Хафс ан-Насафи, исламские науки.*

Annotation: *This study is devoted to a comprehensive analysis of the theoretical-grammatical and rhetorical-pragmatic characteristics of interrogative sentences in classical Arabic linguistics. In linguistic communication, interrogative sentences serve as an essential tool for information exchange and pragmatic influence. In Arabic syntax (nahw), interrogative structures are investigated from the perspective of their structural-semantic organization and grammatical markers, whereas in the science of rhetoric (balagha), their semantic nuances, contextual meanings, and stylistic capabilities are examined.*

The primary objective of the research is to conduct a comparative-analytical study of the theoretical definitions, formal-semantic asymmetry, and metaphorical functions of interrogative sentences in the foundational works of prominent classical Arabic linguists, including Sibawayh, Ibn Jinni, al-Zamakhshari, Abd al-Qahir al-Jurjani, and al-Sakkaki.

Through a comparative examination of primary sources and grammatical treatises, the study demonstrates that interrogative sentences belong to the ṭalabī (demandative) category of inshaʾi constructions and that their primary

function is to seek information that is not previously known to the speaker (*istifham*). *While the works of Sibawayh and Ibn Jinni highlight the syntactic positions of interrogative particles and standards of eloquence, al-Zamakhshari and al-Jurjani provide a scholarly account of the logical-semantic and syntactic correspondence between interrogative and declarative sentences. Furthermore, al-Sakkaki provides a systematic classification of interrogative tools based on whether they require conceptualization (tasawwur) or verification (tasdiq). Furthermore, the study provides a comprehensive analysis, based on selected verses of the Holy Qur'an and examples from classical Arabic poetry, of the figurative and rhetorical meanings conveyed by interrogative sentences beyond their primary function of seeking information, including negation, astonishment, admonition, confirmation, affirmation, and reprimand.*

Keywords: *Interrogative sentences, syntax (nahw), rhetoric (balagha), insha sentences, interrogative particles, interrogative pronouns, formal-semantic asymmetry, pragmalinguistics, figurative question, Sibawayh, Al-Zamakhshari, Ibn Jinni, Abd al-Qahir al-Jurjani, Al-Sakkaki.*

КИРИШ

Тарихга назар ташласак, VIII аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва қўшни Хуросонда бошқа ҳудудларга нисбатан ислом динига кирувчиларнинг сони ортиб борар эди. 728 йил Хуросон волийси ал-Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий Мовароуннаҳр аҳолисини ҳам исломга кириш учун даъват қилишга қарор қилди. Унга ушбу вазифани бажариш учун Абу-с-Сайдо Солиҳ ибн Тарифни юборишни маслаҳат берадилар. Абу-с-Сайдо ал-Ашрасдан янги исломга кирганларни солиқ *(жизя)* тўлашдан озод қилиш керак эканини талаб қилди, унинг ваъдасини олгач, Самарқандга йўл олди (Muʾminov, 2003:113).

Жизядан қутилиш учун кўплаб аҳоли ислом динига кира бошлади. Натижада маҳаллий аҳоли ислом динига янги кирган ғайридинлар давлат солиғидан (*жизя*) озод этилар эдилар. Бу эса давлат хазинасини ўйловчи юқори ҳукмрон доираларининг норозилигини келтириб чиқарар эди. Шу сабабли ушбу ҳудудларда жон бошидан олинадиган солиқ масаласи ҳақида кўп мунозаралар бўлиб турган. Айниқса, илмсизлик натижасида янги мусулмонлар жизя билан бир қаторда унга умуман алоқаси бўлмаган хирож солиғини ҳам тўлашдан бош торта бошладилар. Бу Хуросон ноибларининг норозилгини келтириб чиқарди. Чунки улар бундай даромаддан осонгина воз кечишни истамас эдилар.

Вазиятдан бохабар бўлган ал-Ашрас Самарқанд қўмондони ал-Ҳасан ибн Аби-л-'Амарата ал-Киндига янги мусулмонларнинг исломга чиндан кирганлигини текшириш вазифасини топширди. Ал-Ашрас ҳар бир мусулмондан хирож солиғини олишга буйруқ бергач, янги мусулмонлар бунга норозилик билдириб, ўз ҳуқуқларини талаб қилиб, ҳатто, Дамашқдаги халифага шикоят қиладилар (Tabariy, 1879–1901, II:15).

Ҳар икки томоннинг далиллари чин мусулмон ҳисобланиб, жизя солиғидан озод бўлиш учун қандай шартларни бажариш зарур, деган муаммога бориб тақалар эди. Бу муаммо эндиликда фақат сиёсий мазмунга эга бўлмай, балки «му'мин» тушунчасига қандай таъриф бериш керак, деган масала билан боғлиқ эди (Rudolf, 2001:27). Чунки Хуросон ноиблари ўз моддий манфаатлари йўлида имоннинг шартларини ниҳоятда мураккаблаштириб, ҳаттоки унинг ичига Қуръоннинг энг узун сураларидан бирини ёд олишлик шартларини ҳам киргизган эдилар. Бундай вазифа араб тилини яхши билмайдиган форс ва туркларда қийинчилик уйғотар эди. Натижада имон масаласи калом илми бўйича ҳал қилиниши талаб қилинар эди. Бу вазиятда янги мусулмонларга муржиийлар ўзларининг ақидалари билан «ёрдам» берадилар. Улар имоннинг шартларини кўриб чиқиб, имон фақат тил билан иқрор ва қалб билан тасдиқ қилишдан иборат, деган ақидани илгари сурдилар.

Бунинг натижасида муржиийлар ўз-ўзидан янги мусулмонлар муаммоларига дахлдор бўлиб қолдилар ва жизя солиғига қарши курашаётган Мовароуннаҳр аҳолисига иттифоқдош ҳисобланиб қолдилар. Бу эса Хуросон маъмуриятининг муржиийларга нисбатан кескин норозилигига сабаб бўлди.

Бу воқелар жиддий тўқнашувларга олиб келди. 728-729 йили муржиийлар бошчилигида биринчи қўзғолон амалга оширилди. Орадан 6 йил ўтгач, Ҳорис ибн Сурайж бошчилигида яна йирик исён бошланди. Исёнчилар узоқни кўзловчи сиёсий мақсадни кўзда тутган бўлсалар-да, ушбу исён бир томондан диний мазмунга ҳам алоқадор эди. Бунинг бошида эса, шубҳасиз муржиийлар турар эдилар.

Мазкур исён 746 йили батамом боситирилди. Жизя масаласи ҳам вақт ўтиши билан ўз долзарблигини йўқота бошлади. Лекин юқоридаги воқеалар натижасида муржиийлар келажакда етакчи диний ҳаракат сифатида ўз мавқеларин анча мустаҳкамлаб олишга эришган эдилар.

Аммо муржиийлар ҳаракати Моваруннаҳрда узоқ муддат сақланиб қолмади. Чунки ушбу ҳудудда муржиийа вакиллари мустақил фикрлаш ва чуқур билимга эга эмас эдилар. Улар бирон бир масаланинг ечимини топишда қийналиб қолсалар, Ироққа, аниқроғи, муржиийлар маркази ҳисобланган Куфага йўл олар эдилар. Лекин Куфада муржиийларга қарши бўлган Абу Ҳанифа[1] ўз даврининг энг ҳурматли

[1] Баъзи манбаларда, айниқса, Ғарб тадқиқотчиларининг мақолаларида Абу Ҳанифа муржиийлар тарафдори бўлган

олими ҳисобланар эди. Демак, муржиийлар Куфада ўзларининг ақидавий қарашларида Абу Ҳанифадан қаршиликка учраганлар.

Бундай шароит Мавароуннаҳрда нафақат калом масаласида, балки умумий диний муҳит учун ҳам иккинчи босқични белгилаб берди. Мовароуннаҳрдан Куфага сафар қилган олимлар у ерда Абу Ҳанифанинг қарашларидан таъсирланиб ўз юртларига қайтар эдилар. Натижада Мовароуннаҳрда муржиийлар таълимоти аста йўқолиб, Абу Ҳанифа таъсирида шаклланган таълимот сингиб кира бошлади.

IX асрга келиб эса, Мовароуннаҳрнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги диний муҳит бутунлай ҳанафийлашиб бўлган эди. Шу тариқа Мовароуннаҳр ва Хуросонда имон масаласи муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ҳанафий мазҳабига мансуб олимларнинг VIII-X асрдаги фаолиятларида калом масалалари асосий ўринни эгаллади (Muʾminov, 2000:88-91).

Бундай вазият кейинги асрларга келиб Мовароуннаҳрда хоҳ фиқҳий масалаларда, хоҳ ақидавий таълимотда куфалик Имом Абу Ҳанифанинг йўлини тутган қатор уламоларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мовароуннаҳрлик олимларнинг барчаси «ҳанафий фақиҳлари» деб аталар эдилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мовароуннаҳрда калом илми соҳасида ҳанафийа таълимоти негизида шаклланган Мотуридия калом мактаби асосида ривожланди. Ушбу мактабнинг вакиллари Абу Мансур ал-Мотуридий, ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Абу Салама ас-Самарқандий, Абу-л-Муʻин ан-Насафий, Абу Ҳафс ʻУмар ан-Насафий каби мутакаллимлар ҳисобланади.

Мовароуннаҳрда калом илми ривожи тамомила ўзгача ҳолатда юзага келди. Мазкур ҳудуд Абу Ҳанифанинг диний-фалсафий қарашлари ривожи учун баракали замин тайёрлаган. Бунга асосан Абу Ҳанифанинг ўзи томонидан олиб борилган ва ягона мақсад сари йўналтирилган фаолият ёки ташвиқот эмас, балки ундан анча аввал содир бўлган воқеалар асос бўлдики, бунда айнан муржиийлар ҳал қилувчи рол ўйнадилар. Гап шундаки, ислом янги тарқалган минтақаларда, яъни Мовароуннаҳрда турли илоҳиёт борасида ҳал этилиши керак бўлган масалалар вужудга келиши кескин тус олди. Чунки мазкур ҳудуддаги турклар ёки суғдийлар ислом аҳкомлари ва талабларига жавоб беришга тайёр эмас эди. Бу эса охир оқибатда бир қатор исёнларга ҳам олиб келди. Буларнинг барчаси Мовароуннаҳрда келгусида мустақил илоҳиёт масалалари вужудга келиши учун етарли замин тайёрладики, натижада нисбатан кўп сонли диний муҳит юзага келди.

Биз, қуйидаги уч мутакаллимни ал-Мотуридийнинг бевосита шогирдлари қаторига қўша олишимиз мумкин. Улар борасидаги маълумотларни ўрганиш ал-Мотуридийнинг ички ҳалқаси (яъни, атрофидаги шогирдлари) ҳақида янги ва муҳим хабарларни бериши муқаррар.

1. *Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад ал-ʻИёдий*

Ал-Мотуридийнинг дастлабки шогирдлари қаторига Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад ал-ʻИёдийни киритиш лозим (Rudolf, 1999:104-107). Шу ўринда ʻИёдийлар оиласини ал-Мотуридий билан бўлган алоқаларини яна қайта тикланганлигини айтиб ўтиш керак.

Абу Аҳмад Абу Наср ал-ʻИёдий ал-Мотуридийнинг устозининг тўнғич ўғли эди. У дастлаб ал-Мотуридий билан биргаликда отасидан илм ўрганади. Бу алоқа илоҳиёт илмини ривожлантиришда кўмак бергани кишини қувонтиради.

Кейинги давр манбаларига назар ташлайдиган бўлсак, Абу Аҳмад Абу Наср ал-ʻИёдийнинг шуҳрати анча юқори бўлган. Бу маълумотлар орасида ўзига хос анъана бўлиб қолган уйдирма ва орттирмалар ҳам борлиги истиснодан холи эмас. Абу Аҳмаднинг замондоши Абу Ҳафс ал-Бухорий шундай ёзади: “Ҳанафийлар садоқатли олим бўлишлари лозим, чунки унинг отаси Абу Аҳмад ҳам садоқатли олим бўлган эди”. Ҳаким ас-Самарқандий эса Абу Аҳмад ал-ʻИёдийни юксакларга кўтаришда ўзига хос антиқа услубни қўллаган. У шундай дейди: “ʻИёдийнинг ўғли Хуросон ва Мовароуннаҳрда сўнгги юз йил давомида, ҳатто ўйлаб кўрилса, сўнгги давр мобайнида яшаб ўтган энг машҳур олимлардан биридир”. Ҳис-туйғуларга тўла бу мақтовлар орасида унинг калом илмига оид асари борасида ҳеч бир сўз учрамайди. Алломанинг акаси бўлмиш Абу Бакр ʻИёдийнинг хабар беришича, Абу Аҳмад муʻтазилийлар билан баҳслар олиб борган бўлиб, ўнта мунозарали масала “*ʻАшр ал-масоʼил ал-ʻиёдийа мин асл ад-дин*” (“Иёдийнинг дин асосларига оид ўнта масаласи”) номи билан маълум бўлган рисола ёзган. Бу рисоланинг мавзуси Абу Аҳмаднинг отаси айтган нақллари билан мос келади. Шу билан бир қаторда эса ал-Мотуридий илоҳиёти борасидаги фикрлари билан ҳамоҳангдир.

Бу рисола табиийки, ал-Мотуридий фаолиятини ёритишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида ал-ʻИёдийнинг ҳам бир неча шогирдлари бўлганлиги манбаларда кўрсатилади. Бунга мисол тариқасида Абу Салма Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-

деган хулосага келинган. Бу фикр нотўғридир. Чунки Абу Ҳанифа «Рисола ила ʻУсмон ал-Биттий» номли рисоласида муржиийларга қарши чиққан. Чунки Усмон ал-Биттий Абу Ҳанифани муржиийлардан деб ҳисоблаган.

Самарқандийни эслаб ўтиш жоиз. Бу аллома ал-Мотуридий шогирдининг шогирди бўлиб тахминан X асрда яшаб ижод этган. Бу алломанинг номидан кўра, асари кўпроқ таниқлидир. Асарининг номи *«Жумал усул ад-дин»* (“Усул ад-динга оид жумлалар”) бўлиб, ҳозирда Истанбул қўлёзмалари фондларининг бирида сақланади (Abu Salama as-Samarqandiy, 1989:155). Ушбу асарни изчил ўрганиш фойдадан холи эмас. Чунки, Самарқандда мотуридия калом мактаби қайта. жонланган даврда юзага келган бу асардан ноёб манба сифатида фойдаланиш мумкин. Абу Салманинг мазкур асари бошқа алломаларнинг айни анъанавий мавзуда ёзилган асарларидан бутунлай фарқ қилади. У барча тафсилотларда ҳамда айрим нозик масалаларда устозининг устози ал-Мотуридийга яқин ёндашганлигини кўриш мумкин. Бу асарни ал-Мотуридий анъаналарини бутунлигича сақлаб қолган ва бизгача етиб келган ноёб асарлар қаторига қўшиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, Абу Салма бевосита ал-Мотуридийнинг шогирди бўлмаган, лекин Абу Аҳмад ал-‘Иёдий ёрдамида билвосита устоз фикрлари билан таниш бўлган. Шундай қилиб уни биринчилардан бўлиб, анъанада бурилиш ясаган дейиш мумкин. Ал-‘Иёдий устозидан барча янги фикрларни ўрганиб, бу илмларни кейинги авлодга етказган шахс сифатида тарихда из қолдирди.

2. Абу ал-Ҳасан ‘Али ибн Са‘йид ар-Рустуфағний

Ал-Мотуридийнинг яна бир шогирди Абу ал-Ҳасан ‘Али ибн Са‘йид ар-Рустуфағнийдир (ваф. 961 й.) (Sezgin, GAS, I:606-607; Ҳожи Халифа, 1941:67, 70, 1223, 1422; Rudolf, 1999:107-110). Нисбасидан у Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирида туғилган кўринади. Диққатга молик томони шундаки, ал-Мотуридийнинг бу шогирди кейинги давр биографлари томонидан жуда кўп эътироф этилади. Бу эса унинг устози соясида обрў-эътиборга эга бўлмагани, балки ўзининг мустақил ўрни (фикри) бўлганлигидан далолат беради. Рустуфғнийнинг мустақиллиги, аввалам бор ҳуқуқий илмлар борасида намоён бўлади. Унинг номи барчага маълум ва машҳур икки ечимини топмаган масалалар борасида ёдга олинар эди: биринчиси амалий муаммолардан бўлган ва кундалик ҳаётда (ҳозирги кунда ҳам) учраб турадиган масала бўлиб, у қуйидаги мазмунда: “Агар бирон киши ўзини кўмадиган (масалан: ҳовуз ёки сув тўла катта идиш) сувга тушиб нариги томонидан чиқса, ғусул (диний покланиш) сифатида инобатга олинадими ёки йўқ?”. Бу масалага ар-Рустуфғанийнинг қандай ечим топгани маълум эмас, лекин оқилона ҳал қилгани аниқ. Чунки сўнгги юз йиллар мобайнида айни ушбу масала тилга олинганда, фақат ар-Рустуфғанийнинг сўзларига мурожаат этилар эди. Иккинчи масала калом илмига оид бўлиб, манбалар хабар беришича, бу мунозара ар-Рустуфағний ва унинг устози ал-Мотуридий орасида бўлиб ўтган.

Бу ижтиҳодга[2] оид эди: аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мужтаҳид[3] ижтиҳод қилганда бирон бир мантиқий хато қилиши мумкинми ёки йўқ – шу мавзуда эди. Бу борада ар-Рустуфғанийнинг ҳам, ал-Мотуридийнинг ҳам қандай фикр билдирганликлари аниқ эмас. Бу мунозарага Абу Ҳанифага нисбат бериладиган “барча мужтаҳидлар ҳақдирлар” деган ибораси сабаб бўлган. Худди шу ибора ҳанафийлар орасида жуда кўп маротаба очиқ-ойдин тортишувларга асос бўлган. Мисоллардан кўринадики ар-Рустуфғаний на фақат фиқҳ илмида, балки калом илмида ҳам ўзининг мустақил мавқеига эга бўлган. Бу эса тадқиқот учун жуда катта аҳамият касб этади. Ачинарлиси ар-Рустуфғанийнинг тортишувлар, баҳслар, мунозараларининг аксар қисми ёзма равишда етиб келмаган. Етиб келганлари орасида фиқҳий масалалар бўйича маслаҳатларга оид *“Фатова ар-Рустуфғаний”* (“Рустуфғанийга оид фатволар”) ҳали-ҳануз мавзуи жумбоқ бўлиб келаётган *«Китоб ал-хилоф»* (“Ихтилофлар ҳақидаги китоб”), калом илмига оид машҳур *«Китоб иршод ал-мухтади»* (“Тўғри йўлдан юрувчиларни йўлловчи китоби”), илмлар таснифига оид *«Китоб аз-заво’ид вал-фаво’ид»* (“Фойдали ва зиёда нарсалар ҳақидаги китоб”) асарлари бор. Зикр этилган асарлар ичида *«Китоб иршод ал-мухтади»* машҳур ҳисобланиб, барча биографлар ар-Рустуфғанийнинг шу асарини тилга оладилар. Машҳур турк олими Камол ад-дин ал-Байоди (ваф. 1687 й.) асарни *“Аллоҳ сифатлари”* борасидаги энг муҳим манбалардан бири деб ҳисоблайди.

Унинг *«Китоб аз-заво’ид вал-фаво’ид»* номли асарининг калом илмига мутлақо алоқаси йўқ. Бироқ мавзусининг буткул нотанишлиги ва янгилиги қизиқишни янада орттиради. Кўпгина олимлар асарнинг илмлар таснифи (аснаф ал-улум ёки ан-ва ал-улум)га оидлигини эътироф этадилар.

Эслатиб ўтиш жоизки, илк ўрта асрларда мусулмон Шарқида илмлар таснифига оид асарлар ёзиш анъанаси ривожланган эди. Улар орасида бизга маълум бўлган Абу ‘Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг (ваф. 997 й.) (Baxadirov, 2000:74-100; Rasulov, 1999:48-55) *«Мафотиҳ ал-улум»* (“Илмлар калитлари”) асарининг муаллифи. Шунинг қаторида Шаъйа Ибн Фариғунинг *«Жавами ал-улум»* (“Диний илмлар мажмуалари”), Абу Зайид ал-Балхийнинг *«Ақсом ал-улум»* (“Диний илмларнинг бир қисми”) асарларини ҳам қайд этиш ўринли.

[2] Араб – ҳукм чиқариш

[3] Араб – “интилувчи”, “ғайрат қилувчи”, ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга шахс, яъни ҳукм чиқара оладиган шахс.

Ар-Рустуфғанийнинг *«Китоб аз-заво'ид»* асари ҳам илмлар таснифига оиддир. Ушбу маълумотни илмий жиҳатдан қизиқлиги, ҳанафийлардан бўлмиш ал-Мотуридийнинг шогирдларидан ҳисобланган алломанинг илмлар таснифига оид асар ёзганлигида кўринади.

3. Абу Муҳаммад 'Абдулкарим ибн Муса ал-Паздавий

Ал-Мотуридийнинг учинчи шогирди Абу Муҳаммад 'Абдулкарим ибн Муса ал-Паздавийдир (ваф. 999 й.) (as-Sam'oniy, 1998, II:201; Rudolf, 1999:110-111). Аввалги шогирдларидан фарқли ўлароқ, у на калом ва на фиқҳда шуҳрат қозонган. Унинг таълимоти борасида ҳам, ўгитлари ҳақида ҳам айтарли ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Лекин унинг ал-Мотуридий калом мактабидаги воситачилик ўрни жуда муҳимдир. Унинг номи маълум ва машҳур *«Китоб ал-'алим ва мута'аллим»* асарида зикр этилган (Abu Muqotil as-Samarqandiy, 1912:33). Унда Абу Муҳаммад бу матнни ал-Мотуридийдан эшитиб, уни Муҳаммад ан-Насафийга етказганлиги баён этилган. Биографлар эса уни на фақат воситачи сифатида, балки энг аввало, ал-Мотуридийнинг шогирди сифатида эътироф этадилар. Унинг воситачилик вазифаси у қадар, аҳамиятга эга эмасдек кўриниши аниқ, лекин йиллар ўтиши билан жуда муҳим, аҳамият касб этади. Чунки уч авлоддан сўнг худди шу ал-Паздавий асос солган сулоладан исломга машҳур алломалар етишиб чиққан. Улардан бири мотуридия калом мактабининг машҳур мутакаллимларидан ҳисобланган Абу Йусур ал-Паздавийдир (ваф. 1100 й.). Иккинчиси ҳам машҳурликда ундан қолишмайдиган Фахр ал-Ислом Абу ал-Ҳасан ал-Паздавийдир (ваф. 1089 й.). Ҳар иккиси ҳам мунтазам калом анъанаси меросхўрлари сифатида намоён бўлганлар. Ҳатто, Абу Йусур ўзининг *«Китоб усул ад-дин»* асарида ал-Мотуридий ҳақидаги барча нақллар бобосидан авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини таъкидлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ЎзР ФА ШИ да *«Шарх ат-та'вилот»* асарининг сарварағида ҳам айни борада муҳим маълумотни учратиш мумкин. Бу ҳақида юқорида батафсил тўхталганмиз. 'Абдулкарим ал-Паздавий (ваф. 999 й.) таълимоти тор доирада тарқалган бўлса ҳам Мовароуннаҳрда жуда катта аҳамиятга эга эди.

Мотуридия калом мактаб вакиллари

Мотуридия каломчилари ҳақида илк маълумотларни олиш учун, албатта, энг аввал Абу Мансур ал-Мотуридий давридаги манбаларга мурожаат этиш керак бўлади.

1. Абу-л-Му'ин ан-Насафий

Мотуридия калом мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Абу-л-Му'ин ан-Насафийдир (Brokkelman, GAL, I:426; Oqilov, 2008). У буюк олимлар оиласига мансуб фақиҳлардандир. Унинг катта бобоси Макҳул ан-Насафий (ваф. 930 й.) бўлиб, ал-Мотуридийнинг шогирдларидан ҳисобланган. Унинг ўғли Муҳаммад ибн Макҳул отаси даражасида шуҳрат топмаган бўлса-да, ҳанафийлар орасида катта обрўга эга эди. Мана шу авлоднинг давомчиларидан ҳисобланган Абу-л-Му'ин ан-Насафий «*Табсират ал-аддилла*» (Abu-l-Mu'in an-Nasafiy, Qo'lyozma № 5857), *«Баҳр ал-калом»* ("Калом илмининг мезони") (Abu-l-Mu'in an-Nasafiy, 1911, Қўлёзма № 4008/II:34б-85а), *«ат-Тамҳид ли-қова'ид ат-тавҳид»* ("Тавҳид илми қоидалари ўзани") (Abu-l-Mu'in an-Nasafiy, 1986, Qo'lyozmalar №№ 177/III, 3185/V, 2521/X, 8221/I) асарларининг муаллифидир. Манбаларда Абу-л-Му'ин ан-Насафийнинг бир муддат Самарқандга келиб яшаганлиги, сўнгра Бухорога бориб, у ерга муқим ўрнашиб қолганлиги қайд этилган. Унинг устозлари тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Лекин унинг шогирдларидан учтасининг номи маълум. Улар машҳур ҳанафий фиқҳ ва калом олимлари 'Алоуддин ас-Самарқандий, Маҳмуд аш-Соғаржий ва 'Абд ар-Рашид ибн Абу Ҳанифий ал-Валвожилардир. Абу-л-Му'ин ан-Насафий мотуридийлар орасида машҳур ҳисобланади. У ҳақида Абу Ҳафс ан-Насафий шундай дейди: "Шарқ ва ғарбда илмда машҳур, ҳамда унинг илмидан баҳра олиш мумкин бўлган олим". Фатҳуллоҳ Хулайф Абу-л-Му'ин ан-Насафийни шундай таърифлайди: "У мотуридия калом мактабини ҳимоя қилиб турувчи энг ката шахс ҳисобланади". У ўзининг *«ат-Тамҳид ли-қова'ид ат-тавҳид»* номли асарида "Имом Абу Мансур ал-Мотуридий усул ва фуруда Абу Ҳанифага хайрихоҳликда энг шиддатлиси деб таъкидлайди". Олимнинг мазкур асарида бир қанча бошқа маълумотлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар орасида мотуридия калом мактабининг катта аҳамиятга эга деб қабул этиш кераклиги кўзга ташланади.

Айтиш мумкинки, Насафий илмий фаолиятнинг сермаҳсул даври Бухоро шаҳрига тўғри келади. Унинг 1088-89 йилда Бухорога ўз сафдошлари билан кўчиб ўтиши бу шаҳарда унинг илмий фаолияти учун қулай шароит яратиб берди. Тарихий манбаларга аҳамият берсак, Насафий айнан Бухорода ўзининг энг катта асарларини ёзиб тугатган ва шу шаҳарда кейинги даврларда унинг мотуридия таълимотини ривожлантирган унинг кўплаб шогирдлари пайдо бўлди. Насафий ва унинг сафдошларининг Бухорога кўчиб ўтишлари натижасида ҳанафий уламолари билан шофиъий уламолари ўртасидаги ақидавий масалаларда дастлабки ихтилофлар пайдо бўла бошлади. Кейинчалик эса бу ихтилофлар шу

даражага бориб етдики, салжуқийлар сояси остида фаолият олиб борган шофиъий-ашъарийларнинг мотуридия таълимотига нисбатан туҳматлари Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг ўз илмий меросида кескин бурилиш ясаганига сабаб бўлди.

«Табсирату-л-адилла» асари икки маротаба нашрдан чиқарилган. *«Табсира»*нинг мукаммал нашрини Сурия пойтахти Дамашқдаги араб тилини ўрганиш бўйича Франция илмий тадқиқот маркази тадқиқотчиси Клауд Салома амалга оширган. Асарнинг ушбу Дамашқ нашри икки жилдда нашр қилинган бўлиб, биринчи жилд 1990 йил, иккинчи жилд эса 1993 йил нашр этилган. Ушбу нашрнинг умумий ҳажми изоҳ ва мундарижаларни инобатга олганда 1011 бетдан иборат. Нашр жами 45 боб ва 47 фаслдан иборат. К. Салома ушбу нашр биринчи жилдининг охирида 15 бетдан иборат француз тилида алломанинг қисқача ҳаёти ва илмий мероси ҳамда асар ҳақида маълумот бериб ўтган. Тадқиқотчи асарни нашрга тайёрлашда *«Табсира»*нинг Мисрдаги 4 та қўлёзма нусхасидан фойдаланган. Сурияда нашрдан чиқарилган ушбу нодир манбадан кўплаб ғарб олимлари ўз тадқиқотларида фойдаланганлар. Юқорида таъкидлаганимиздек, У. Рудольф ҳам айнан шу нашрдан ўз тадқиқотида иқтибослар келтиради. Шунингдек, таниқли инглиз олими В. Маделунг ҳам *«Табсира»*нинг ушбу нашри ҳақида ўз мақоласида хабар берган (Madelung, 2000:318).

Асарда таъкидланишича, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чиққан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, мўътазилийларнинг азалий рақиблари ҳисобланганлар (Abu-l-Mu‘in an-Nasafiy, 1990, I:356).

2. Абу Ҳафс ‘Умар ан-Насафий

Ислом дунёсида яна бир машҳур олимлардан бири тарихнавис, географ ва фиқҳшунос, мутакаллим олим Нажмиддин Абу Ҳафс ‘Умар ан-Насафий ал-Мотуридийдир (ваф. 1142 й.). У ҳам мотуридия калом мактабининг йирик намояндаларидан ҳисобланади.

Абу Ҳафс ан-Насафий Самарқанд калом мактаб тарихини шу мазҳаб таълимоти билан узлуксиз боғлиқ эканлигини эътироф этади. У Абу Ҳанифадан бошлаб, Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний орқали, турли йўллар билан ал-Мотуридийга ва унинг замонига улайди. Ал-Мотуридийнинг машҳурлигини ўша замондаги бошқа каломчилар қаторида эътироф этди. Унинг ҳанафийлик мазҳаби таълимотининг жуда зўр билимдони эканлигини таъкидлайди, охир-оқибатда у самарқандлик кишини (яъни ал-Мотуридийни назарда тутмоқда) маъқуллаганлиги билан ҳам фахрланади.

Абу Ҳафс Насафий бир неча йиллик илмий сафарлар ва уламолар суҳбатидан ҳосил бўлган билим ва тажрибаларига асосланган ҳолда бир қатор фан соҳаларида асарлар ёзди. Манбаларда аллома ўзидан юздан ортиқ илмий асар қолдиргани ҳақидаги маълумот мавжуд. Уларни тафсир, ҳадис, калом, фиқҳ ва шеърият каби шартли беш гуруҳга бўлиш мумкин.

Калом илмида Абу Ҳафс ан-Насафий мотуридия калом мактаби таълимоти асосида *«‘Ақо’ид ан-Насафий»* номли ислом эътиқодларига бағишланган асар ёзган. Абу ‘Али ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ал-Мотуридий, саҳоба Абу Айюб Холид ал-Ансорий авлоди бўлмиш Абул Ҳасан ‘Али ибн ал-Ҳасан ал-Мотуридий каби олимлар Абу Ҳафс Насафийнинг устозлари эдилар. Абу Ҳафс Насафий ўзининг билвосита устози Имом Мотуридий таълимотини ихчам ва қисқа шаклга келтириб, мотуридийлик таълимотини кенг ёйишга хизмат қилди. У яратган *«Ақоид ан-Насафий»* асари ислом оламида кенг тарқалган бўлиб, унга кўплаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Олим каломга оид биргина шу асарни ёзган бўлса-да, унинг илоҳиётчи сифатида шуҳрат қозонишига сабаб унинг жуда қисқа ҳолда ислом ақидасини назарий асослаб берганидир.

Европалик тадқиқотчи В. Куретон XIX асрнинг биринчи ярмида ўзининг *«Суннийлар диний таълимотининг устуни»* номли тадқиқотини мазкур асарга бағишлади (Cureton, 1843). Асар Шарқда кенг тарқалган, мадрасаларда ўқув қўлланма сифатида ўқитилган. Ҳар бир талаба ушбу рисоланинг матни билан ёддан таниш бўлган. Чунки ҳажми у қадар катта бўлмаган хат тури ва китоб ҳажмига кўра уч, беш, етти варақлар атрофида бўлган. Шунинг учун бўлса керак, ЎзР ФА ШИ фондида унинг 100 дан ортиқ нусхалари мавжуддир. Агарда ан-Насафийнинг ушбу асари қайси йилларда кўпроқ кўчирилганлиги маълум бўлса унда муҳим маълумотни қўлга киритиш имкони туғиларди. Айтиб ўтиш керакки, У. Рудольф тадқиқотида *«‘Ақо’ид ан-Насафий»* асари муаллиф яшаган даврдан анча кейин яратилган деб таъкидлайди. Биз эса текшириб кўриб асарнинг айни Абу Ҳафс ан-Насафий қаламига мансуб эканлигини аниқлашга эришдик. Абу Ҳафс ан-Насафий ЎзР ФА ШИ фондида инв. рақами № 1462 остида сақланаётган *«Матла‘и ал-нужум ва мажма‘ ал-‘улум»* (“Юлдузлар чиқиши ва илмлар мажмуаси”) асарлари тўпламида Абу Ҳафс *«‘Ақо’ид ан-Насафий»* асарини биринчи ўринда имло қилган (Abu Hafs an-Nasafiy, nashr yili no‘malum, Qo‘lyozma № 1462). Абу Ҳафс ҳадис илми соҳасида ҳам шуҳрат қозонган. У Абу ‘Али ал-Ҳасан ибн ‘Абдулмалик ибн ‘Али ибн Мусо ибн Исрофил ан-Насафий (XI-XII), ‘Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн аш-Шабибий

ад-Дизакий (ваф.1117-1118 й.), Абу Муҳаммад ‘Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Нофила (ваф. 1109-1110 й.) каби замонасининг илғор муҳаддисларидан сабоқ олган. Абу Ҳафс ан-Насафий Самарқанддаги «Дорул Жузжония» номли илм даргоҳида қизғин фаолият олиб борди, у *«Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд»* номли Самарқанд ҳадис мактабида кечган жараёнларни ўзида тўла акс эттирган деярли ягона манбанинг муаллифи ҳисобланади (Раҳимжонов, 1997:27-32). Бу манба тадқиқотимизда янги муҳим маълумотлар бериши билан жуда аҳамиятлидир.

Тафсир илми бўйича олим *«ат-Тайсир фи (илм) ат-тафсир»* («Тафсир илмига оид осонлаштирилган китоб») асарини ёзган. У тўрт жилддан иборат бўлиб, унда Қуръон оятларининг шарҳи ўзига хос тартибда берилган. Мазкур асар ҳанузгача нашр этилмаган. Ушбу асарда ан-Насафий устоз (яъни ал-Мотуридий) фикрларидан иқтибос олганини кўриш мумкин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида бу асарнинг 8 та нусхаси сақланади (O‘zR FA SHI, Qo‘lyozmalar fondi, №№ 7124, 4789, 11922, 3150, 3231, 3164, 5265).

Ҳадис илмида олим муайян мавқени эгаллаган. Унга «ал-Ҳофиз» номининг нисбат берилиши фикримиз далилидир. Ҳофиз даражасига эришган муҳаддислар камида 20 минг, баъзи китобларга кўра 50 минг ёки 100 минг ва ундан ортиқ ҳадисларни матн ва иснодлари билан тўлиқ ёд билганлар.

Алломанинг ҳадис илмида пешқадам бўлганини унинг бу соҳада ёзган асарлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Насафий Имом Бухорийнинг *«ал-Жоми ас-саҳиҳ»* асарини шарҳлаб, ўзининг *«ан-Нажоҳ фи шарҳ ахбор китоб ас-сиҳоҳ»* («Саҳиҳ китобидаги хабарларни шарҳлаш бўйича эришилган ютуқлар») номли китобини ёзди.

Ҳозирги кунда Абу Ҳафс Насафийнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзма фондида №1462 рақами остида сақланаётган *«Матла ан-нужум ва-мажма ал-улум»* («Юлдузларнинг чиқиш жойи ва илмларнинг туташган ери») номли катта ҳажмдаги қомусий нодир қўлёзма асарининг бир қисми ҳам ҳадис илми ҳамда ваъз-насиҳатларга бағишланган (Bulgakov, 1976:57-61; Baranov, 1976; Bulgakov, 1991:67-79; Muhammadaminov, 2004:11-12; Muhammadaminov, 2005:190-191).

Бу қўлёзма 1364 йилда бошқа нусхадан кўчирилган. Асл нусха эса, ўз навбатида, 1138 йили Абу Ҳафс Насафийнинг бевосита имло дарслари давомида ёзиб олинган.

Мазкур мажмуадан 57 асар ўрин олган бўлиб, уларнинг бир қисмини Насафийнинг ўзи ёзган. Бошқа қисми эса турли муаллифларнинг асарларидир. Ушбу асарда калом илми, фирқалар тавсифи, ахлоқ, қуръоний илмлар, усулул фиқҳ, ҳанафий фиқҳи, ҳужжат тузиш намуналари ҳамда филология, математика ва табиатшунослик соҳаларига бағишланган. Ҳадис илми учун 20-24 асарлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларда бевосита муҳаддисларнинг таваллуд ва вафот саналари, исми-насабларини тартибга солиш, «Хулафои рошидин»дан кейин ўтган халифалар тарихи, уламоларнинг таржимаи ҳоллари таҳлили билан боғлиқ масалалар ёритилган ҳамда 360 та саҳиҳ ҳадис жамланган.

Бундан ташқари, олим ҳадис илмининг турли жанрларига бағишланган *«Татвил ал-асфор ли-таҳсил ал-ахбор»* («Хабарлар талабидаги узоқ сафарлар») асарининг ҳам муаллифидир.

Фиқҳ илми бўйича Абу Ҳафс Насафий ўзидан сўнг ҳанафий фиқҳига оид бой илмий мерос қолдирди. Манбаларда унинг бу соҳада яратган саккизта асарининг номи келтирилади. Улардан *«Китоб ад-доир фи-л-фиқҳ»* («Фиқҳга доир китоб»), *«Машори‘ аш-шарои‘»* («Қонунчининг қонунлари»), *«ал-Ҳасоил фи-л-фуру‘»* («Фуру бўйича эришилган ютуқлар») ёки *«ал-Ҳасоил фи-л-масоил»* («Масалалар бўйича эришилган ютуқлар»)нинг номларигина бизга маълум холос. Унинг *«ал-Манзума ан-насафия фи-л-хилофиёт»* («Насафийнинг хилоф илмига оид назмий китоби»), *«Тилбат ат-талаба»* («Толиб истаган китоб»), *«Шарҳ ал-усул ли-л-Кархий»* («ал-Кархийнинг «усул»ига шарҳ»), *«Фатово шайх ал-ислом ас-Суғдий»* («Шайху-л-ислом ас-Суғдий фатволари») асарлари бизгача етиб келган.

Шеърият соҳасида ҳам олим самарали ижод этиб, ёзган асарларининг кўп қисмини назмга солган. Жумладан, *«Китоб ал-қанд»*да келтирган ҳадисларидан аксарини ўз тили билан шеърий услубда ҳам шарҳлаб ўтади. Юқорида номи зикр этилган фиқҳга оид *«Ал-Манзума ан-насафия фи-л-хилофиёт»* асари эса тўлиғича назмий усулда ёзилган.

Абу Ҳафс Насафий ўзи асар ёзиш билан бирга бошқа олимларнинг китобларидан ҳам дарс берган. Масалан, 1137 йилда Самарқанддаги «Ку-йи Муқотил», *«Ку-йи намдон-гирон»* номли масжидларда ва ўз масжидида (масжид Аби Ҳафс Насафий) ҳамда «Табғоч-хон» мадрасасида ҳадис илми толибларига қуйидаги асарларни имло қилди:

– *«Китоб ат-таворих ва-л-ансоб»* («Тарих ва насаблар китоби»);

– *«Тасмият асҳоб ал-мукаррама ало‘ тартиб ал-ҳуруф ал-му‘жама»* («Саҳобалар исмларининг алифбо тартибидаги қомуси»);

– *«Тарих ал-хулафо ал-қоимин ба‘да-л-хулафо ар-рошидин»* («Хулафои рошидиндан кейин ҳукм сурган халифалар тарихи»);

– *«Насаб машоҳир аиммат ад-дин ва таворихуҳум»* («Дин имомларидан машҳурларининг насаб ва тарихлари»);

– *«ас-Саб‘иёт ас-сам‘иёт»* («Тингланган еттиликлар»; бу китоб ўз ичига 360 та ҳадис матнини жам қилган);

– *«Китоб ал-хутаб ал-жиёд ли-л-жума ва-л-а‘йод»* («Жумъа ва ийд учун сара хутбалар»).

3. ‘Алоуддин ас-Самарқандий

Машҳур қонуншунос, тилшунос олим ‘Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий XII асрда яшаган, у Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ва Фахр ал-Ислом Абу ал-Ҳасан ал-Паздавийларнинг шогирди бўлган. Тахминан 1145 йили вафот этган. ‘Алоуддин ас-Самарқандий Абу Мансур ал-Мотуридийнинг *“Китоб ат-та’вилот”* асарига шарҳ ёзган. ЎзР ФА ШИда бу шарҳнинг 3155 ва 3249 рақами остида иккита нусхаси сақланади. Унинг яна ЎзР ФА ШИда 3143, 5881 рақамлари остида *“Мизон ал-усул фи ната’иж ал-‘уқул”* (“Ақллар чиқарган хулосалари бўйича асослар мезони”) ҳамда 3724 рақами остида *«Китоб туҳфат ал-фуқаҳо’»* (“Фақиҳлар туҳфаси”) асарлари ҳам мавжуд. Айниқса, унинг *«Мухталиф ар-ривойа»* (“Ихтилофли ривоятлар”) асари машҳурдир (СВР, № 3062-3063). *«Шарҳ китоб ат-та’вилот»* асарининг 3249 рақами остида сақланаётган нусхасидан мотуридия калом мактаби тарихини ўрганишда жуда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкин. ‘Алоуддин ас-Самарқандий нафақат Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби анъаналарини балки мотуридия калом мактаби анъаналарини Бухоро уламолари орасида ривожлантиришга маълум даражада таъсир ўтказди. Шу ўринда фақиҳ ‘Алоуддин Абу Бакр ибн Ма‘суд ибн Аҳмад ал-Косоний (ваф. 1191 й.) ва машҳурликда ундан қолишмайдиган фиқҳ олими Бурҳонуддин ал-Марғинонийларни (ваф. 1197 й.) эслаб ўтиш кифоя (Qoriyev, 2000:38-42).

‘Алоуддин ас-Самарқандийнинг (ваф. 1144-45 й.) Бухорога кўчиб ўтиши у ердаги мутакаллим олимлар орасида Мотурдий таълимотининг кенг ёйилишида ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Айниқса, бухоролик кейинги авлод мутакаллимлари Абу Ҳанифанинг «ар-Рисола ила ‘Усмон ал-Баттий» номли рисоласини тарқалишида Абу-л-Му‘ин ан-Насафий – Шамсу-л-а’имма Муҳаммад ибн ‘Абду-с-Саттор ал-Кардарий (ваф 1244 й.) – Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий (ваф. 1294 й.) – Ҳусомуддин ас-Сиғнакий (ваф. 1311 й.) тартибидаги иснодга суянар эдилар. Худди шу иснод орқали ҳанафий мазҳабига тааллуқли каломий матнларни бир-бирларига етказар ва бунинг натижасида ўзлари ҳам мотуридия таълимоти борасида кўплаб изланишлар олиб борган эдилар. Ўша даврдаги бухоролик мутакаллим олимлар қаторига аввало Нуруддин ас-Собуний (ваф. 1184 й.) ва Иброҳим ас-Саффор (ваф. 1139 й.) каби олимларни мисол қилиб келтириш ўринли бўлади.

4. ‘Алоуддин ал-Косоний

‘Алоуддин Абу Бакр ибн Ма‘суд ибн Аҳмад ал-Косоний (ваф. 1191 й.) (Brokkelman, GAL, I:375; Hoji Xalifa, 1941, II:371) ҳам устози, ҳам қайнотаси бўлмиш ‘Алоуддин ас-Самарқандийнинг *«Туҳфат ал-фуқаҳо»* (“Фақиҳлар туҳфаси”) асарини шарҳлаб *«Бадоий’ ас-санойи’ фи тартиб аш-шаройи’»* (“Шариат тартиблашда гўзал услуб”) асарини ёзади. Устози бундан мамнун бўлиб, ўз қизи Фотимани ал-Косонийга турмушга беради. Шу тариқа икки аллома ўзаро қариндош бўладилар. ‘Алоуддин ал-Косоний бир неча асарлар муаллифи бўлиб аксарияти бизнинг давримизгача етиб келмаган. Уларнинг айримлари фиққий асарлардир: *«Бадоий’ ас-санойи’ фи тартиб аш-шаройи’»*, *«ас-Султон ал-мубин фи усул ал-дин»* (“Усул илмининг аниқ мезони”). Манбаларда унинг Қуръонга ҳам тафсир ёзганлиги ҳақида хабар берилсада, бу асар бизгача етиб келмаган.

5. Абу-л-Йусур ал-Паздавий

«Китоб усул ад-дин» асарининг соҳиби Абу-л-Йусур Муҳаммад ал-Паздавий (ваф. 1100 й.) ҳам мотуридийлардан ҳисобланади. У ҳам ўз асарида ал-Мотуридийга нафақат “шайх” балки *“Ра’ис аҳл ас-сунна ва-л жамоа”* деб таъриф берган. Унинг асарларидан ҳам, шунингдек, ўз давридан кейин яратилган асарларда, ҳам ал-Мотуридий номи ва унинг калом мактабининг шуҳрати анча ўсиб борганлиги маълум бўлади.

Абу-л-Йуср ал-Паздавий Самарқандда «Қозийу-л-қузот» унвонига эришади (Abu Hafs an-Nasafiy, n.d.:703-704). Лекин салжуқийлардан бўлмиш Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга қарши юриши натижасида (1088-89 й.) бу уч уламонинг Самарқанддаги муваффақиятли фаолиятларига якун ясалади. Фахру-л-ислом ал-Паздавий Кешга сургун қилинади ва ўша йили вафот этади. Сўнгра Абу-л-Йуср ал-Паздавий ва Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ўз оилалари ва шогирдлари билан Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўладилар (Muʾminov, 2003:185).

6. Иброҳим ас-Саффор ал-Бухорий

Ушбу олим ҳақида ҳам тадқиқотимиз юқорисида қисман тўхталиб ўтган эдик. Иброҳим ибн Исҳоқ ас-Саффор ал-Бухорий (ваф. 1139 й.) Абу-л-Му‘ин ан-Насафийдан Бухорода калом илмидан таълим олган. Дастлаб у ўзининг *“Рисола фиҳа маса’ил су’ила ‘анҳо аш-Шайх ас-Саффор*

фа ажаба ‘анхо”(ашШайх асСаффордан сўралган ва унга жавоб олинган масалалар ҳақидаги рисола) номли рисоласини ёзган. Ушбу рисолада Абу Манӣур ал-Мотурдийнинг фикрларини баён қилган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича *“Китоб талхиси-л-адилла ли қаво‘иди-т-тавҳид”(Тавҳид қоидалари далилларининг қисқа баёни ҳақидаги китоб)* номли ўқув қўлланмасини яратади. Ушбу қўлланманинг қўлёзмаси Туркиянинг Atif Efendi номли кутубхонасида № 1220 рақами остида сақланади (Muʾminov, 2003:60; Brokkelman, GAL, I:427). Иброҳим ас-Саффорнинг Бухорода мотуридия калом мактабининг тарқалишида хизматлари ниҳоятда катта бўлган.

7. Абу-с-Сано’ ал-Ломиший

Абу-с-Сано’ Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломиший (ваф. 1144 йилдан кейин) *“ат-Тамҳид ли қаво‘иди-т-тавҳид”(Тавҳид қоидаларига кириш)* номли асар ёзган[4]. Мазкур асар ноширн Абдулмажид ат-Туркий нашрнинг кириш қисмида Ломиший ҳақида муҳим маълумотлар беради ва у Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг шогирди бўлганлиги мумкин, деган фикрни билдиради (Lomishiy, 1995:13). Ноширнинг тахмини асосли эканини текшириш мақсадида Ломишийнинг мазкур китобини кўздан кечириб чиққанимизда, Ломиший ушбу асарида Абу-л-Му‘ин ан-Насафийга уч маротаба мурожаат қилиб уни марҳум сифатида зикр этганига гувоҳ бўлдик. Бундан Ломишийнинг ушбу китоби Насафий вафотидан кейин ёзилганлиги маълум бўлади.

Ломишийнинг юқорида кўрсатилган асаридан ташқари яна *“Китоб фий усули-л-фиқҳ”(Фиқҳ асослари ҳақидаги китоб)* номли фиқҳга оид асари ҳам мавжуд[5]. Мазкур асарнинг кириш қисми икки маротаба таҳрир этилган. Биринчиси *“Қисму-т-та‘рифа*” (таништириш бўлими) деб номланган. Иккинчи таҳрир мукаммал ҳолда *“Китоб байан кашфи-л-алфаз”(Иборалрнинг очишни баёни ҳақидаги китоб)* номи билан Муҳаммад Ҳасан аш-Шалабий томонидан таҳрир этилган.

МУҲОКАМА

Ал-Мотуридийнинг Мовароуннаҳр калом мактаби ривожига қўшган ҳиссасини юзага чиқариш XI асрда Мовароуннаҳрда ўзига хос бир анъанага айланди, десак муболаға бўлмайди.

Бу фикр Абу-л-Йусур ал-Паздавийдан бошлаб, унинг ёш замондоши Абу-л-Му‘ин ан-Насафийда янада ёрқинроқ баён этилгандир. Лекин уларнинг ҳар иккиси ҳам ал-Мотуридийни Мовароуннаҳрдаги сунний мазҳабнинг асосчиси деб эътироф этишмайди. Бу мазҳаб ақидасининг ривожланишини якка шахс билан боғлашнинг ўзи ҳам нотўғри. Лекин бараварига Абу Ҳанифани бу мазҳабнинг асосчиси деб тан оладилар. Уларнинг мақсади бу мазҳаб таълимотини бутун холича узлуксиз авлоддан-авлодга ўтаётганлигини исботлаш эди, холос.

Худди шундай ҳолатни бошқа авлодда ҳам кўриш мумкин. Калом илми Макҳул ан-Насафийдан (ваф. 930 й.) машҳур мотуридийлардан Абу-л-Му‘ин ан-Насафийга (ваф. 1114 й.) қадар етиб борган. Бундай авлоддан-авлодга ўтиб бориш ўша даврда ўзига хос бир анъанага айланган десак ҳеч муболаға бўлмайди. Шунга ўхшаш паздавийларда илмни бир-бирига етказиш анъанаси бир неча авлодларда кузатилади, у Абу Муҳаммад ал-Паздавий машҳур ака-укаларнинг бобоси ва ўз навбатида, ал-Мотуридийнинг бевосита шогирди бўлгани аниқ.

Насафийнинг илмий меросига бўлган муносабатларга аҳамият берсак, юртимизда яқингача Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг илмий мероси билан тадқиқотчиларимиз яқиндан таниш бўлмаганлар. Шуни айтиш керакки, Мовароуннаҳрда калом илми тарихи ҳақида бир қанча асарларда маълумотлар келтирилган. Хусусан, ушбу диёрда калом илмида ўзига хос мактаб яратган буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида кам бўлса ҳам, муайян даражада маълумотларни учратиш мумкин. Лекин Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ҳақида бironта ҳам маълумот келтирилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Рус тадқиқотчиларидан В. Бартольд ҳам Насафий яшаган даврга тўхталса-да, аллома ҳақида бironта ҳам сўз айтмаган. Яна таниқли рус тадқиқотчиларидан И. П. Петрушевский ҳам ўзининг «Ислам в Иране» номли йирик асарида XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги калом илми ривожи ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Жумладан, И. П. Петрушевский ушбу асарида мотуридия ва ашъарийа мактаблари ва уларнинг вакиллари ҳақида тўхталиб ўтсада, лекин Мотуридий издошларидан у фақат Нажм ад-дин Абу Ҳафс ан-Насафийни мисол қилиб келтиради, холос. Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ҳақида эса мутлақо гап юритмайди. Аксинча, ашъарийлардан бўлган Имом Ғаззолий ҳақида маълумотлар келтишда давом этади (Petrushevskiy, 1966:220-234). Бу мулоҳазаларимиздан Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ўша даврнинг кўпчилик тадқиқотчилари назаридан тамомила четда қолганлиги маълум бўлади. Шунингдек, юртимиз тадқиқотчилари ҳам ушбу мавзуга тўхталганларида Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг илмий меросини четлаб ўтганлар.

[4] Ломишийнинг ушбу асари Париж илмий текшириш тадқиқот марказининг мудири Абдулмажид ат-Туркий томонидан тадқиқ этилиб, 1995 йил Байрутда нашр этилган.

[5] Ломишийнинг фиқҳга оид мазкур асари ҳам Абдулмажид ат-Туркий томонидан нашр эттирилган.

Афсуски, ушбу ҳолат мустақиллигимиздан кейин ҳам давом этмоқда. Масалан, тарихчи олим П. Равшанов ўзининг «Қашқадарё тарихи» номли китобида ҳам XI-XII асрлардаги Насаф тарихи ҳақида кўп маълумотлар беради. Ушбу олим ҳам, афсуски, мазкур асарида Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмаган. У ҳам И. П. Петрушевский каби алломанинг энг яқин шогирди Нажмуддин ан-Насафий ҳақида сўз юритган. Шунингдек, калом илмига оид тадқиқот олиб бораётган бошқа тадқиқотчилар ҳам ҳамон Насафийнинг илмий меросига бефарқ қолиб келмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги нафақат калом илми, балки барча диний илмлар ривожланиш тарихи ҳақида гап кетар экан, шубҳасиз, буюк олим Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг илмий меросига ҳам юртимиз тадқиқотчилари ўз илмий изланишларида тегишли ўрин ажратишлари зарурдир.

Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг биргина *«Табсирату-л-адилла»* асари Мотуридия таълимотини ўрганишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Асар ҳақида кўплаб олимлар ўзларининг яхши фикрларини билдирганлар. Ҳатто алломанинг замондошлари ҳам бу асарга юксак баҳо берганлар. Шундай алломалардан бири Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг замондоши ва шогирди Нуруддин ас-Собуний (ваф. 1184 й.) Фахруддин ар-Розий билан қилган муноқашасида шундай дейди: «Насафийнинг *«Табсирату-л-адилла»* асарини ўқиб чиққанимда тадқиқ ва таҳқиқда унга тенг келадиган бирор асар йўқлигига ишончим комил бўлди» (Moturidiy, 1979:5).

«Тавҳид» асарининг ноширн Фатҳуллоҳ Хулайф *«Табсира»*ни мотуридия калом мактабидаги *«Тавҳид»*дан кейинги асосий манба деб ҳисоблайди (Мотуридий, 1979, Кириш:5). Шунингдек, турк тадқиқотчиларидан Ҳ.Отай ва М. Язичиўғлилар *«Табсира»*ни *«Тавҳид»*нинг хотимаси ва ажралмас қисми, деб эътироф этадилар. Олмон олими У. Рудольф *«Табсирату-л-адилла»* асаридан манба сифатида ўз тадқиқотида самарали фойдаланган ҳамда ушбу нодир асарнинг аҳамиятига юксак баҳо берган (Rudolf, 1999:194).

Мотуридия таълимотини ўрганишда ҳамда бу каломий мазҳабни бошқа мазҳаблардан энг равон тарзда фарқлаб очиб беришда *«Табсирату-л-адилла»* асарининг аҳамияти каттадир.

Тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики Абу Ҳафснинг худди шу асарига параллел равишда аш‘арийа калом мактаби таълимотига суяниб, кечроқ қози ‘Аду ад-дин Абдураҳмон (ваф. 1355 й.) ҳам ўзининг *«‘Ақо’ид ал-Адудийа»* (Аду ад-дин эътиқод китоби) номли асарини яратади. Бу асар ҳам калом илмига бағишланган бўлиб, матнни *«‘Ақо’ид ан-Насафий»* га таққослайдиган бўлсак тахминан бир ҳажмдадир. Ҳатто ўзбек тилига таржимаси ҳам мавжуддир (Муҳаммад Карим ал-Бухорий, б.й., Қўлёзма № 3975/II:9б-28б).

НАТИЖА

Абу ал-Ҳасан ар-Рустуфғаний кўп қиррали ва сермаҳсул олим бўлган ва энг муҳими у ал-Мотуридийнинг фикрларини ва таълимотини ўзидан кейинги авлодга етказган.

Алломанинг ёзиб қолдирган асарларига тўхталсак, биз фақат улар орасида 3 та асарни аниқ далиллар билан Насафийга хос деган хулосага келдик ва ушбу асарлар билан боғлиқ бошқа номдаги қўлёзмаларни таҳлил қилишга муваффақ бўлдик.

Абу Ҳафс Насафийнинг баъзи асарлари шуҳрат қозонганини, уларга кўплаб шарҳлар битилганидан ҳам билиш мумкин. Олим асарларидан бизгача етиб келганларининг сони 10 дан ошади. Бу асарлар келажакда Абу Ҳафс Насафийнинг серқирра ижодининг турли йўналишларини муфассал ўрганишга етарли асос бўлиб хизмат қила олади.

‘Алоуддин ас-Самарқандийнинг саъй-ҳаракати туфайли ал-Мотуридийнинг асарлари кейинги авлодларгача етиб келди. Шунингдек, у шогирдлари билан биргаликда мотуридия калом мактаби ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Илмий изланишлар натижасида ал-Косонийнинг кам истифода этилган бир асари *«ал-И‘тиқод ал-Косоний»* (ал-Косонийнинг эътиқодга оид рисоласи) ёки яна бир номи *«ал-Му‘тамад фи-л-му‘тақод» (Эътиқод қилинадиган нарсалардаги таянлар)* ни топишга муяссар бўлдик[6]. Ушбу асар Париж миллий кутубхонасида № 825/3 инвентар рақами остида сақланади. Умумий ҳажми 4 варақдан иборат (322[а]-325[б]). Асар ҳажм жиҳатидан кичик бўлсада, ал-Мотуридий калом мактаби борасида қимматли маълумот беради. Муаллиф асарда асосан калом масалаларига тўхталиб, уни ўз изоҳлари билан бойитади. Ал-Косоний ҳар бир калом масалага ал-Мотуридий қандай ёндашганлигини кўрсатиб, сўнгра эса ўз изоҳини келтиради. Лекин ушбу асар муаллиф кўчиб ўтган Сурияда кенг тарқалди. ‘Алоуддин ал-Косоний қолдирган илмий меросини тадқиқ қилиш аллома яшаган даврдаги Мовароуннаҳр калом тарихи, ҳанафий мазҳабининг мавқеи ва илмий муҳит ҳақида янада чуқурроқ маълумот олиш имконини беради (Komilov, 2000:192-194).

[6] Ушбу асар Франциянинг “CNRS” илмий тадқиқот институтининг “Monde Iranien” бўлимининг “Марказий Осиёда қўлёзмалар мероси” дастурига мувофиқ Парижга уюштирилган бир ойлик илмий сафарим чоғида аён бўлди.

ХУЛОСА

Мотуридия калом мактабининг ўрганилиш тарихи эътиборга арзигулик ишдир. Шу вақтга қадар амалга оширилган аксарият тадқиқотлар кўп ҳолларда ал-Мотуридий ҳаёти, ижоди ва унинг таълимоти ҳақида қисқача маълумотлар билан чекланиб қолган. Айрим ҳоллардагина мотуридия калом мактабининг ривожига улкан ҳисса қўшган Абу-л-Му‘ин ан-Насафий номи тилга олинарди. Бунга сабаб Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ўзининг *«Табсират ал-адилла»* асарида ал-Мотуридий тўғрисида кўплаб қимматли фикрлар баён этганидир. Шу боис биз бу бўлимда мотуридия калом мактабининг кейинги ривожига ўз ҳиссасини қўшган мутафаккирларни имкон қадар ёритишни мақсад қилдик. Йирик исломшунос олим У. Рудольф ҳам ўзининг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» деб номланган монографиясида (Rudolf, 1999) бу мавзуга қўл урмаган. Шунинг баробарида ўзининг кейинги асарларида албатта, янги тадқиқотчилар учун мавзу бўла олади деб ишонч билдирар экан (Rudolf, 2000:41), бир неча мотуридия калом мактаб намояндалари номларини зикр этади (Rudolf, 2000:44): Абу-л-Йусур ал-Паздавий (ваф. 1100 й.), Абу-л-Му‘ин ан-Насафий (ваф. 1114 й.), Ас-Саффор ал-Бухорий (ваф. 1134 й.), Абу Ҳафс ан-Насафий (ваф. 1142 й.), ‘Али ибн ‘Усмон ал-Ўший (ваф. 1173 й.), Ас-Собуний ал-Бухорий (ваф. 1184 й.), ‘Умар ал-Ҳанафий (ваф. 1200 й.).

Албатта, таъкид жоизки, мотуридия мактабини зикр этилган олимлар билан чегаралаш нотўғри бўлади, булар қаторига кўплаб янги номларни қўшиш мумкин. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш мотуридия калом мактабининг ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Айтиш мумкинки, мотуридия мактабининг ҳар бир вакили ҳаёти ва ижодини ўрганиш алоҳида-алоҳида илмий тадқиқот ишларга мавзу бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Муқотил ас-Самарқандий. (1912). Китоб ал-‘алим ва мута‘аллим. Истанбул.
2. Абу Салама ас-Самарқандий. (1989). Жумал усул ад-дин / A. S. Kilavuz нашри. Istanbul.
3. Абу Ҳафс ан-Насафий. (нашр йили номаълум). Китоб ал-қанд.
4. Абу Ҳафс ан-Насафий. (нашр йили номаълум). Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум. ЎзР ФА ШИ, Қўлёзмалар асосий фонди, Қўлёзма № 1462, 353 варақ.
5. Абу-л-Му‘ин ан-Насафий. (нашр йили номаълум). Табсират ал-адилла. ЎзР ФА ШИ, Қўлёзмалар асосий фонди, Қўлёзма № 5857.
6. Абу-л-Му‘ин ан-Насафий. (1911). Баҳр ал-калом. Қоҳира. (ЎзР ФА ШИ, Қўлёзма № 4008/II, 34б–85а).
7. Абу-л-Му‘ин ан-Насафий. (1986). ат-Тамҳид / Жибаллоҳ Ҳасан Аҳмад нашри. Қоҳира. (ЎзР ФА ШИ, Қўлёзмалар №№ 177/III, 3185/V, 2521/X, 8221/I).
8. Абу-л-Му‘ин ан-Насафий. (1990–1993). Табсират ал-адилла. 2 жилд / Клауд Салома нашри. Дамашқ.
9. Баранов, А. (1976, 3 декабрь). Нодир қўлёзма ҳақида хабар. Ўзбекистон маданияти.
10. Бахадиров, Р. М. (2000). Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. Академия.
11. Броккельман, К. (нашр йили номаълум). Geschichte der arabischen Litteratur (GAL). I жилд.
12. Булгаков, П. Г. (1976). Неизвестный энциклопедический труд XII века. Общественные науки в Узбекистане, 11, 57–61.
13. Булгаков, П. Г. (1991). Формуляры некоторых документов по частному праву из энциклопедии ан-Насафи. Материалы по истории науки и культуры народов Средней Азии (67–79). Фан.
14. Комилов, М. (2000). Фақиҳ ‘Алоуддин Абу Бакр ал-Косоний. Имом ал-Бухорий сабоқлари, 3–4, 192–194.
15. Ломиший, Абу Сано’ Маҳмуд ибн Зайд ал-Ҳанафий. (1995). Китоб ат-Тамҳид ли қаво‘ид ат-тавҳид / Абдулмажид ат-Туркий нашри. Дору-л-ғарби-л-исломий.
16. Маделунг, В. (2000). Abu l-Mu‘in al-Nasafi and Ash‘ari Theology. C. Hillenbrand (таҳрири остида), Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth, Vol. II (318). Brill.
17. Мотуридий, Абу Мансур. (1979). Китоб ат-тавҳид / Фатҳуллоҳ Хулайф нашри. ал-Мактаба ал-исломийа.
18. Муҳаммад Карим ибн Муҳаммад Ҳаким ал-Бухорий. (нашр йили номаълум) Таржима ‘Ақо’ид ал-Адудийа. ЎзР ФА ШИ, Қўлёзма № 3975/II, 9б–28б.
19. Муҳаммадаминов, С. (2004). «Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум» асарининг таркибий тузилмаси. Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари (11–12).
20. Муҳаммадаминов, С. (2005). Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Матла‘ ан-нужум» асаридаги фиқҳ ва ҳадисга оид мавзулар. Имом ал-Бухорий сабоқлари, 4, 190–191.
21. Мўминов, А. (2000). Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳи. Имом ал-Бухорий сабоқлари, 1, 88–91.
22. Мўминов, А. (2003). Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II–VII/VIII–XIII вв.) [Тарих фанлари доктори дисс.]. ТИУ.
23. Оқилов, С. (2008). Абул Му’ин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. Муҳаррир.
24. Петрушевский, И. П. (1966). Ислам в Иране в VII–XV веках. Издательство Ленинградского университета.
25. Расулов, Д. (1999). Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мифтоҳ ал-улум” асарида калом илми ҳақидаги баъзи маълумотлар. Шарқшунослик, 9, 48–55.
26. Раҳимжонов, Д. (1997). Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илми бўйича муҳим манба. Шарқшунослик, 3, 27–32.

27. Рудольф, У. (1999). Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Фонд «XXI век».
28. Рудольф, У. (2000). Мотуридия. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг шарқ халқлари Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни: маърузалар тўплами (41–44). ТИУ.
29. Рудольф, У. (2001). Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Имом ал-Бухорий сабоқлари.
30. ас-Самъоний, Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Муҳаммад. (1998). ал-Ансоб. II жилд. Дор ал-фикр.
31. Сезгин, Ф. (n.d.). Geschichte des arabischen Schrifttums (GAS). I жилд.
32. Табарий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир. (1879–1901). Тариху-р-русул ва-л-мулук. II жилд. Лайден.
33. Хожи Халифа. (1941). Кашф аз-зунун ‘ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун. 1–2 жилд. Байрут.
34. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Қўлёзмалар фонди. Қўлёзмалар №№ 3150, 3164, 3231, 4789, 5265, 7124, 11922.
35. Қориев, О. (2000). Ал-Марғиноний – машҳур фиқҳ олими. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 3, 38–42.
36. Cureton, W. (1843). Pillar of Creed of the Sunnites. London.

REFERENCES

1. Abū Muqātil al-Samarqandī. (1912). *Kitāb al-ʿĀlim wa al-Mutaʿallim*. Istanbul.
2. Abū Salama al-Samarqandī. (1989). *Jumal Uṣūl al-Dīn* (A. S. Kilavuz, Ed.). Istanbul.
3. Abū Ḥafṣ al-Nasafī. (n.d.). *Kitāb al-Qand*.
4. Abū Ḥafṣ al-Nasafī. (n.d.). *Maṭlaʿ al-Nujūm wa Majmaʿ al-ʿUlūm*. Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Main Manuscript Collection, MS No. 1462.
5. Abū al-Muʿīn al-Nasafī. (n.d.). *Tabṣirat al-Adilla*. Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Main Manuscript Collection, MS No. 5857.
6. Abū al-Muʿīn al-Nasafī. (1911). *Baḥr al-Kalām*. Cairo.
7. Abū al-Muʿīn al-Nasafī. (1986). *Al-Tamhīd* (Jiballāh Ḥasan Aḥmad, Ed.). Cairo.
8. Abū al-Muʿīn al-Nasafī. (1990–1993). *Tabṣirat al-Adilla* (Vols. 1–2, Claude Salame, Ed.). Damascus.
9. Baranov, A. (1976, December 3). *Nodir qo‘lyozma haqida xabar*. *O‘zbekiston Madaniyati*.
10. Bakhadirov, R. M. (2000). *Iz istorii klassifikatsii nauk na srednevekovom musulmanskom Vostoke*. Akademiya.
11. Brockelmann, C. (n.d.). *Geschichte der arabischen Litteratur* (Vol. 1).
12. Bulgakov, P. G. (1976). *Neizvestnyy entsiklopedicheskiy trud XII veka*. *Obshchestvennye Nauki v Uzbekistane*, *(11)*, 57–61.
13. Bulgakov, P. G. (1991). *Formulyary nekotorykh dokumentov po chastnomu pravu iz entsiklopedii al-Nasafi*. In *Materialy po istorii nauki i kul'tury narodov Sredney Azii* (pp. 67–79). Fan.
14. Komilov, M. (2000). *Faqīh ʿAlāʾ al-Dīn Abū Bakr al-Kāsānī*. *Imom al-Bukhoriy Saboqlari*, *(3–4)*, 192–194.
15. Abū Thanāʾ Maḥmūd ibn Zayd al-Lāmishī al-Ḥanafī. (1995). *Kitāb al-Tamhīd li Qawāʿid al-Tawḥīd* (ʿAbd al-Majīd al-Turkī, Ed.). Dār al-Gharb al-Islāmī.
16. Madelung, W. (2000). Abu l-Muʿin al-Nasafi and Ashʿari theology. In C. Hillenbrand (Ed.), *Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth* (Vol. 2, pp. 318–332). Brill.
17. Al-Māturīdī, Abū Manṣūr. (1979). *Kitāb al-Tawḥīd* (Fatḥ Allāh Khulayf, Ed.). Al-Maktaba al-Islāmiyya.
18. Muḥammad Karīm ibn Muḥammad Ḥakīm al-Bukhārī. (n.d.). *Tarjima ʿAqāʾid al-ʿAḍudiyya*. Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, MS No. 3975/II.
19. Muḥammadaminov, S. (2004). *"Maṭlaʿ al-Nujūm wa Majmaʿ al-ʿUlūm" asarining tarkibiy tuzilmasi*. In *Proceedings of the Young Orientalists Scientific Conference Named after Academician Ubaydulla Karimov* (pp. 11–12).
20. Muḥammadaminov, S. (2005). *Abū Ḥafṣ al-Nasafīning "Maṭlaʿ al-Nujūm" asaridagi fiqh va ḥadīsga oid mavzular*. *Imom al-Bukhoriy Saboqlari*, *(4)*, 190–191.
21. Muʾminov, A. (2000). *Movarounnahr Ḥanafiy fiqhi*. *Imom al-Bukhoriy Saboqlari*, *(1)*, 88–91.
22. Muʾminov, A. (2003). *Rol' i mesto khanafitskikh ʿulamāʾ v zhizni gorodov Tsentral'nogo Mavarannakhra (II–VII/ VIII–XIII vv.)* (Doctoral dissertation). Tashkent Islamic University.
23. Oqilov, S. (2008). *Abū al-Muʿīn al-Nasafī ilmiy merosi va Māturīdiyya taʿlimoti*. Muharrir.
24. Petrushevsky, I. P. (1966). *Islam v Irane v VII–XV vekakh*. Leningrad University Press.
25. Rasulov, D. (1999). *Abū ʿAbd Allāh al-Khwārizmīning "Miftāḥ al-ʿUlūm" asarida kalām ilmi haqidagi baʿzi maʿlumotlar*. *Sharqshunoslik*, *(9)*, 48–55.
26. Raḥimjonov, D. (1997). *Abū Ḥafṣ al-Nasafīning "Kitāb al-Qand" asari ḥadīs ilmi bo‘yicha muhim manba*. *Sharqshunoslik*, *(3)*, 27–32.
27. Rudolph, U. (1999). *Al-Maturidi and Sunni Theology in Samarkand*. XXI Century Foundation.
28. Rudolph, U. (2000). *Māturīdiyya*. In *Al-Moturidiy taʿlimoti va uning Sharq xalqlari Movarounnahr madaniyatida tutgan o‘rni* (pp. 41–44). Tashkent Islamic University.
29. Rudolph, U. (2001). *Al-Moturidiy va Samarqand sunniylik ilohiyoti*. *Imom al-Bukhoriy Saboqlari*.
30. Al-Samʿānī, Abū Saʿd ʿAbd al-Karīm ibn Muḥammad. (1998). *Al-Ansāb* (Vol. 2). Dār al-Fikr.
31. Sezgin, F. (n.d.). *Geschichte des arabischen Schrifttums* (Vol. 1).
32. Al-Ṭabarī, Abū Jaʿfar Muḥammad ibn Jarīr. (1879–1901). *Tārīkh al-Rusul wa al-Mulūk* (Vol. 2). Leiden.
33. Ḥājjī Khalīfa. (1941). *Kashf al-Ẓunūn ʿan Asāmī al-Kutub wa al-Funūn* (Vols. 1–2). Beirut.
34. Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. (n.d.). *Manuscript Collection* (MSS Nos. 3150, 3164, 3231, 4789, 5265, 7124, 11922).
35. Qoriyev, O. (2000). *Al-Marghīnānī – mashhur fiqh olimi*. *O‘zbekistonda Ijtimoiy Fanlar*, *(3)*, 38–42.
36. Cureton, W. (1843). *Pillar of Creed of the Sunnites*. London.